



КАШКАДАРЁ ВИЛОЯТИДА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ

Муминов Фазлиддин

Иқтисодиёт ва педагогика университети

ORCID: 0009-0008-1126-0824

mfazliddin312@gmail.com

Аннотация. Мақолада мамлатимизда ва вилоятда камбағалликни қисқартириш ўйича олиб борилган ишлар ҳамда келгуси режалар тўғрисида таҳлилий фикрлар илгари сурилган. Аҳолини тадбиркорлик ҳамда тежамкорликка ўргатиш натижасида камбағалликни қисқартириш ҳамда маҳаллабай ишлаш тизими асосида аҳоли турмуш даражасини янада ривожлантиришда амалга оширилган ишларни статистик таҳлили қилинган. Хулоса қисмида маҳаллабай ишлаш тизими асосида аҳоли турмуш даражасини янада ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар баён этилган.

Калит сўзлар: камбағаллик, аҳоли, кредит, ссуда, субсидия, тадбиркорлик, бизнес, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, касб-хунар, ўсиш нуқтаси, рентабеллик, кичик бизнес.

ЭКОНОМЕТРИЧЕСКОЕ МОДЕЛИРОВАНИЕ СОКРАЩЕНИЯ БЕДНОСТИ В КАШКАДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ

Муминов Фазлиддин

Университет эконоимики и педагогика

Аннотация. В статье представлены аналитические мнения о проводимой работе по снижению бедности в нашей стране и регионе, а также планах на будущее. В результате обучения населения предпринимательству и бережливости проведен статистический анализ проводимой работы по снижению бедности и дальнейшему развитию уровня жизни населения на основе системы соседского труда. В заключении представлены предложения и рекомендации по дальнейшему развитию уровня жизни населения на основе системы соседской работы.

Ключевые слова: бедность, население, кредит, заем, субсидия, предпринимательство, бизнес, производство, услуга, профессия, точка роста, рентабельность, малый бизнес.

ECONOMETRIC MODELING OF POVERTY REDUCTION IN KASHKADARYA REGION

Muminov Fazliddin

University of Economics and Pedagogy

Abstract. The article presents analytical opinions about the work carried out to reduce poverty in our country and the region, as well as future plans. As a result of training the population in entrepreneurship and thrift, a statistical analysis of the work carried out to reduce poverty and further develop the standard of living of the population based on the neighborhood work system was carried out. In the conclusion, proposals and recommendations for the further development of the living standards of the population based on the neighborhood work system are presented.

Key words: poverty, population, credit, loan, subsidy, entrepreneurship, business, production, service, profession, growth point, profitability, small business.

Кириш.

Маълумки ҳар бир янги ривожланаётган мамлакат ўз тараққиёт йўлини белгилашда турли ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиб, ўзининг ҳудуди, табиати, ташқи ва ички имконияти, менталитети ва бошқа шароитларини ҳисобга олган ҳолда иш олиб боради. Ўзбекистонда “Камбағаллик” тушунчаси охириги тўрт йилда тилга олиниб келинмоқда ва тегишли кўрсаткичлар таҳлил қилиниб, очиқланмоқда. Бу бўйича бир неча давлатларни тажрибалари ўрганилиб, таҳлил қилиниб, ўзининг йўлини белгилаб олганлигини кўриш мумкин. Мустақилликнинг ўтган 25 йилида бу тушунча ҳақида гапирилмаган ёпиқ бўлган. Айниқса Хитой давлатининг аҳоли ва оилаларни камбағалликдан чиқариш бўйича олиб борган ишлари ва эришган натижалари таҳсинга сазовор. Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш бўйича бир нечта маротаба тадқиқот ишлари олиб борилди, яширин ва очиқ сўровномалар ўтказилди. Ҳар бир ҳудуд имкониятларидан келиб чиқиб, танлов асосида маҳаллалардаги хонадонлар ўрганиб чиқилди.

Одамларга балиқ эмас, қўлига қармоқ бериб балиқ тутишни ўргатиш тамойили асосида иш олиб бориш камбағалликни қисқартиришга учун катта мезон яратади. Хитойда “дангаса ҳеч қачон бой бўлмайди”, деган олтин қоида бор. Шу боис, мамлакатда аҳолини камбағалликдан чиқариш учун барча ташкилотлар масъул ҳисоблансада, боқимандаликка йўл қўйилмайди. Одамларга моддий ёрдамлар ажратишдан кўра, бандлигини таъминлаш, бўш иш ўринлари яратишга катта эътибор қаратилади.

Тўғри, камбағаллик айб эмас, аммо уни юзага келтирган омилларга қарши курашмаслик катта хато. Ана шу омилларнинг бири, афсуски, дангасалик, боқимандалик билан боғлиқ. Ваҳоланки, ҳар қайси меҳнат ҳам машаққатли ва, албатта, ҳалол, тер тўкиб топилган нон уйга барака бўлиб киради. Муҳими, инсон ишсиз, даромадсиз қолмасин, тўрт мучаси соғ бўла туриб, бошқаларга боқиманда бўлмасин. Бугун мамлакатимизда ана шу мақсад ўлароқ халқ фаровонлиги, аҳоли бандлиги, фуқароларнинг муносиб яшаш шароитига эга бўлишини таъминлаш асосий вазифалардан бирига айлангани боиси шунда. Бунинг учун яқин йилларда яратилган ва жаҳонда муқобили топилмайдиган “Маҳаллабай ишлаш” тизими энг муҳим нуқтага айланиб улгурди. Аҳолининг яшаш шароити ва мавжуд муаммолари шу тизимнинг ўзида ўрганилиб, зарур ечимлар бериляпти. Камбағал, ишсиз фуқароларга субсидиялар ёки моддий ёрдам маблағлари ажратиш ўрнига, ушбу фуқарони ўз қизиқишига асосан касб-хунар ёки тадбиркорликка ўқитиш, ишга жойлаштириш асосий мақсадга айланган.

Президентимизнинг 20 дан ортиқ Фармон ва Қарорларига асосан мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш бўйича катта тизим “Маҳаллабай ишлаш тизими” яратилди. Республика бўйича 9 мингдан ортиқ маҳаллага турли йўналишларда катта тажрибага эга бўлган салоҳиятли кадрлар шаҳар ва туман ҳокимининг маҳалладаги камбағалликни қисқартириш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича “Ҳоким ёрдамчиси” лавозими жорий этилди. Бундан ташқари бу тизимнинг шаҳар ва туманлар, вилоят ва Республика бўлинмалари ташкил этилди. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси қошида бир нечта илмий тадқиқот институтлари, қарийиб 10 мингдан ортиқ мутахассислар битта тизимда аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича шуғулланиши бу Давлат учун қанчалик муҳим ва зарур ислоҳот эканлигини кўриш мумкин. Хўп камбағал деб ўзи кимларни айташимиз мумкин. Уларни бу мақомдан олиб чиқиш учун нима қилмоқ керак, уларни қандай қилиб ёки нима сабабдан бу тоифага келиб қолган деган масала биринчи навбатда аниқлашимиз зарур бўлган вазифа ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 августдаги “Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат

фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4804-сон қарори, 2023 йил 12 июндаги “Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-93-сон Фармони ва шу каби қатор меёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш аҳоли турмуш даражасини оширишга муаян хизмат қилади (Фармон, 2023).

Тадқиқотчи олимлар Ҳасанов, Эминовлар (2001) бозор иқтисодиёти шароитида ҳудудларда оила даромадини кўпайтириш қай даражада ташкил этилаётганлиги ҳақида фикр юритиб, бу ўринда аҳоли турмуш даражасини ривожлантириш, аҳолининг моддий фаровонлигини ошириш йўллари қуйидаги конкрет вазифаларни ўз ичига олади, деб таъкидлашади:

хизматга бўлган истеъмол талабларини аниқлаш, уларни ривожлантириш имкониятларини баҳолаш ҳамда қондиришнинг шакл, усул ва навбатлилигини белгилаш;

аҳоли даромадлари тузилмасини ошириш ва ўзгариш истиқболларини белгилаш; истеъмолнинг ўсишини олдиндан кўра билиш ва унинг таркибини такомиллаштириш;

истеъмол талаби тузилмасини ўзгартириш;

уй-жой муаммосини ҳал қилишнинг йўл ва муддатларини белгилаш;

хизматлар кўрсатиш, маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, шунингдек, транспорт ва алоқа соҳаларини ривожлантириш.

Аҳоли турмуш даражасини оширишни эконометрик моделлаштириш назариялари минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда давлат бошқаруви йўналишларини шакллантиради. Бироқ уларни ўрганиш билангина чекланиб бўлмайди, чунки улар кўп жиҳатдан минтақаларнинг иқтисодий ўсиш назарияларига таянади. Аҳоли турмуш даражасини оширишнинг янгича ёндашувларни, модель ва усулларни излаш ҳамда жорий этишни тақозо этади (Рахимов, 2020).

Маҳмудов (2010) бу ҳақида фикр юритиб, «Қишлоқ аҳолиси ҳаётининг фаровонлиги қишлоқда ишлаб чиқариш жараёнини самарали ташкил этиш ва бошқаришга боғлиқ. Ишлаб чиқариш жараёни эса, ўз навбатида, аниқ миқдорий бирликларга эга бўлган таъминловчи ва хизмат кўрсатувчи соҳалар фаолияти билан узвий боғлиқдир», дейди.

Аҳоли турмуш даражасини ошириш моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни тежайди, инсоннинг бўш вақтини кўпайтиради, меҳнати ижодий мазмунини оширади, иш вақтидан ташқаридаги оқилона бўлмаган харажатларни қисқартиради (Фляйшер, Бенсуссан, 2005), ҳаётини янада қулай ҳамда ёқимли қилади ва шу орқали барча ижтимоий гуруҳлар, қатламларнинг ҳаётини манфаатларини юзага чиқаради (Лавлок, 2005).

Юқорида амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари аҳоли даромадлари табақаланиши ва камбағалликни қисқартиришда хусусий тадбиркорлик йўналишларининг назарий-амалий жиҳатларини етарлича, тизимли тадқиқ этилмаганлиги, халқаро ташкилотлар ва хорижнинг бой тажрибасидан самарали фойдаланган ҳолда республикада камбағалликни аниқлаш ва қисқартириш юзасидан тавсияларни такомиллаштириш ва унинг тадқиқот мавзуси сифатида танланишига асос бўлди.

Тадқиқот методологияси.

Олиб борилган илмий изланишлар ва тадқиқотлар натижасида мамлакатимиз ҳудудларида юзага келган камбағаллик муаммоси уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва ечимлари бўйича асосланган таклиф ва тавсиялар келтирилган. Тадқиқот жараёнида

таҳлил, солиштириш, кузатув, иқтисодий таҳлил қилиш, сўровнома ўтказиш каби усуллардан фойдаланилган. Шунингдек, соҳа оид тақдиқланган меъёрий ҳужжатлар ва уларда камбағалликни қисқартиришга замин яратадиган дастаклар таҳлили кўрсатиб ўтилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Биринчи навбатда аҳолини камбағалликка олиб келадиган жараён уларнинг жойлашган ҳудуди, инфратузилма (йўл, ичимлик ва оқова сув, электр, газ ва бошқ.), ижтимоий таъминот (боғча, мактаб, тиббиёт, ижтимоий хизматлар ва бошқ.). Унинг касб-хунарга эга эканлиги, иш ўрнининг мавжудлиги

Янги ташкил этилган тизим биринчи навбатда маҳалладаги хонадонларга бирма-бир кириб чиқиб, истаклари, мақсадлари, қизиқишлари, режалари, улардаги оилалар сони, оила аъзолари сони, ёши, даромад мабаи, маълумоти, соғлиғи, томорқадан фойдаланиш даражаси, қўшимча даромади ҳаттоки уйдаги чорва моллари, уй хайвонлари ва экилган дарахтлар сонига қадар ўрганиб таҳлил қилиб чиқилди. Ўрганиш натижасига кўра, хонадонлар 4 тоифага ажратиб олинди. Кейинги босқичда алоҳида кимларга кредит бериш, кимларни касб-хунарга ўқитиш, кимларга субсидия бериш, кимларга ер ажратиш бўйича аниқ манзилли дастури шакллантирилди ва шу асосда ишлар ташкил этилди.

Биргина, 2023 йилда Қашқадарё вилоятида аҳолини даромадларини ошириш ва юқори иш ҳақи берадиган муқим иш ўринларини яратиш бўйича амалга оширилган ишларни қисқача таҳлилин кўриб чиқадиган бўлсак, Қашқадарё вилоятдаги мавжуд 820 та маҳалладаги ҳоким ёрдамчиларининг кўмаги ва тавсияси асосан 2023 йилда жами 421 минг нафар фуқароларнинг даромадли меҳнат билан бандлиги таъминланди. Оилавий тадбиркорлик дастури доирасида ҳоким ёрдамчилари тавсияномалари асосида 40 864 та лойиҳаларга 907 млрд.сўмлик кредитлар ажратилди. Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, уларга меҳнат куруллари ва асбоб ускуналари олиб бериш бўйича 6 755 нафар фуқароларга 29,2 млрд.сўмлик субсидиялар ажратилди. Натижада умумий қиймати 863.1 млрд.сўм бўлган 4 448 та лойиҳалар ишга туширилди (хизматлар йўналишида 3 440 та, қишлоқ хўжалиги йўналишида 543 та ва саноат йўналишида 465 та). 2023 йилда маҳаллаларда 5 922 та юридик ва 7 658 та яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтказилди. Ижара асосида 10 250 гектар ер майдонлари “E-AUKSION” савдолари орқали 16 134 нафар фуқароларга ажратиб берилди. Вилоятдаги барча маҳаллаларнинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, у ердаги аҳолининг камида 55-60 фоизи шуғулланадиган ва кўникмалари бўйича “ўсиш нуқталари” белгилаб олинди. Вилоятдаги 820 та маҳалланинг 375 таси чорвачилик, 195 таси деҳқончилик, 58 таси боғдорчиликка, 72 таси савдо ва хизмат кўрсатиш, 14 таси иссиқхона ҳамда 8 таси паррандачилик йўналишларига қолган 98 та маҳаллалар бошқа соҳаларга ихтисослаштирилди. Касб-хунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқишга 20078 нафар фуқаролар жалб этилди. Ушбу амалга оширилган ишлар натижасида вилоятнинг шаҳар ва туманларида камбағаллик даражаси ўзгариши динамикасини кўйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

Қашқадарё вилояти туман (шаҳар)ларининг камбағаллик даражаси бўйича
КЎРСАТКИЧЛАРИ¹⁴⁵

| № | Худудлар номи | 01.01.2022 йил | 01.01.2023 йил | Жами аҳоли сони 01.01.2024 йил ҳолатига | Оила сони | Хонадон сони | 01.01.2024 йил ҳолатига | | | 2024 йил якуни бўйича қутилиши | | | Камбағалликдан чиқариладиган оила сони | Камбағалликдан чиқариладиган аҳоли сони |
|-------------|---------------|--------------------------|--------------------------|--|----------------|----------------|-------------------------|---------------------|--------------------------|--------------------------------|---------------------|--------------------------|--|---|
| | | Камбағаллик даражаси (%) | Камбағаллик даражаси (%) | | | | Камбағал оила сони | Камбағал аҳоли сони | Камбағаллик даражаси (%) | Камбағал оила сони | Камбағал аҳоли сони | Камбағаллик даражаси (%) | | |
| ЖАМИ | | 15,5 | 12,8 | 3 560 633 | 869 453 | 710 209 | 103 134 | 420 442 | 11,5 | 64 942 | 267 378 | 7,5 | 38 192 | 153 064 |
| 1 | Қарши ш. | 8,9 | 6,7 | 295 579 | 81 316 | 69 861 | 2 033 | 7 389 | 2,5 | 1 545 | 5 616 | 2,4 | 488 | 1 773 |
| 2 | Шахрисабз ш. | 13,7 | 10,7 | 147 218 | 35 312 | 28 997 | 3 002 | 12 514 | 8,5 | 2 013 | 8 391 | 6,2 | 989 | 4 123 |
| 3 | Ғузор | 16,2 | 13,8 | 222 187 | 52 847 | 42 881 | 7 927 | 33 328 | 15,0 | 4 281 | 17 997 | 8,6 | 3 646 | 15 331 |
| 4 | Дехқонобод | 18,7 | 15,9 | 159 476 | 35 594 | 28 995 | 783 | 3 508 | 2,2 | 747 | 3 349 | 2,2 | 36 | 159 |
| 5 | Қарши | 14,4 | 11,3 | 272 129 | 76 525 | 62 641 | 16 759 | 59 596 | 21,9 | 7 576 | 26 941 | 9,9 | 9 183 | 32 655 |
| 6 | Косон | 14,9 | 12,8 | 312 067 | 71 124 | 62 666 | 4 196 | 18 412 | 5,9 | 3 201 | 14 043 | 5,6 | 995 | 4 369 |
| 7 | Касби | 17,4 | 14,8 | 212 994 | 49 472 | 39 709 | 6 926 | 29 819 | 14,0 | 4 502 | 19 382 | 9,1 | 2 424 | 10 437 |
| 8 | Қамаши | 18,7 | 15,3 | 293 116 | 69 331 | 52 808 | 8 666 | 36 640 | 12,5 | 6 586 | 27 846 | 9,5 | 2 080 | 8 794 |
| 9 | Китоб | 14,6 | 11,6 | 281 975 | 72 890 | 56 455 | 11 079 | 42 860 | 15,2 | 6 633 | 25 660 | 9,1 | 4 446 | 17 200 |
| 10 | Миришкор | 15,8 | 13,6 | 129 591 | 28 077 | 23 361 | 6 233 | 28 769 | 22,2 | 4 548 | 20 994 | 9,9 | 1 685 | 7 775 |
| 11 | Муборак | 11,1 | 9,6 | 93 427 | 22 831 | 19 561 | 959 | 3 924 | 4,2 | 868 | 3 550 | 4,1 | 91 | 374 |
| 12 | Нишон | 13,5 | 11,5 | 166 624 | 38 487 | 34 469 | 2 810 | 12 164 | 7,3 | 2 386 | 10 331 | 7,1 | 424 | 1 833 |
| 13 | Чироқчи | 20,1 | 17,1 | 267 882 | 62 432 | 49 899 | 8 240 | 35 355 | 13,2 | 5 744 | 24 645 | 9,5 | 2 496 | 10 710 |
| 14 | Шахрисабз | 15,5 | 12,4 | 235 121 | 63 142 | 48 748 | 7 198 | 26 804 | 11,4 | 4 736 | 17 634 | 7,8 | 2 462 | 9 170 |
| 15 | Яккабоғ | 15,6 | 12,5 | 282 536 | 69 281 | 55 598 | 11 224 | 45 771 | 16,2 | 6 027 | 24 581 | 9,6 | 5 197 | 21 190 |
| 16 | Кўкдала | 18,4 | 15,7 | 188 711 | 40 792 | 33 560 | 5 099 | 23 589 | 12,5 | 3 549 | 16 418 | 8,7 | 1 550 | 7 171 |

¹⁴⁵ Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг (2023 йил якунлари бўйича) маълумотлари.

Юқоридаги жадвалда кўриниб турибдики, йилдан йилга амалга оширилган ислохотлар, берилаётган имтиёзли кредитлар, субсидиялар, солиқ имтиёзлари аҳоли даромадини ошишига, доимий даромад манбаига эга бўлишига олиб келмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2020 йил 11 августдаги ПҚ-4804-сонли ва 2021 йил 27 мартдаги ПҚ-5041-сонли қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 августдаги 504-сонли қарориди маҳаллабай ишлаш тизимини такомиллаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш асосида аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича берилган имтиёзлар яққол далил бўла олади.

2022 йил якунларига кўра Хитой давлати ўзининг камбағалликдан ҳоли ҳудуд деб эълон қилди. Бунга асосан тадбиркорликни ривожлантириш ва берилган имтиёзлардан мақсадли ишлатилишини назорат қилиб, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали эришди. Биз ҳам барча мутасадди ташкилотлар билан

ҳамкорликда ишларни тўғри ташкил қилсак яқин беш йилда кўзланган мақсадларга эришишимиз мумкин деб уйлайман.

2-жадвал

Қашқадарё вилояти 2023 йилда туманлар кесимида камбағал оилалар сони ва уларни камабағалликдан чиқаришга таъсир этувчи омиллар¹⁴⁶

| № | Туманлар номи | Камбағал оила | Ҳоким ёрдамчилари томонидан амалга оширилаётган микролойиҳалар сони | Ташкил этилган янги тадбиркорлик субъектлари сони | Микро- лойиҳаларда яратилган жами иш ўринлари | ўзини ўзи банд қилганлар |
|----|---------------|---------------|---|---|---|--------------------------|
| | | У | Х1 | Х2 | Х3 | Х4 |
| 1 | Қарши ш. | 1545 | 478 | 2007 | 2483 | 16924 |
| 2 | Шахрисабз ш. | 2013 | 316 | 828 | 1017 | 8849 |
| 3 | Ғузор | 4281 | 329 | 856 | 1216 | 12523 |
| 4 | Дехқонобод | 747 | 262 | 453 | 568 | 8306 |
| 5 | Қарши | 7576 | 347 | 1234 | 1333 | 15242 |
| 6 | Косон | 3201 | 435 | 1337 | 1380 | 17675 |
| 7 | Касби | 4502 | 190 | 751 | 1211 | 11732 |
| 8 | Қамаш | 6586 | 203 | 693 | 762 | 17380 |
| 9 | Китоб | 6633 | 447 | 939 | 1350 | 14427 |
| 10 | Миришкор | 4548 | 115 | 461 | 296 | 3888 |
| 11 | Муборак | 868 | 184 | 363 | 405 | 3353 |
| 12 | Нишон | 2386 | 179 | 616 | 570 | 10365 |
| 13 | Чироқчи | 5744 | 292 | 713 | 859 | 13941 |
| 14 | Шахрисабз | 4736 | 307 | 805 | 1009 | 14403 |
| 15 | Яккабоғ | 6027 | 194 | 987 | 488 | 16180 |
| 16 | Кўкдала | 3549 | 170 | 537 | 455 | 10928 |

2-жадвал маълумотларидан фойдаланиб ЭViews12 дастури асосида чизиқли регрессия тенгламаси кўринишдаги эконометрик моделни қурдик ва модел натижалари баҳолаш мезонлари бўйича баҳоладик. Буни 3-жадвалда кўришимиз мумкин.

¹⁴⁶ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

3-жадвал

**Қашқадарё вилоятида 2023 йилда туман(шаҳар)лар кесимида камбағал оилаларни қисқартиришга таъсир этувчи омиллар асосида қурилган
эконометрик модел¹⁴⁷**

| Метод: энг кичик квадратлар усули | | | | |
|---|-----------------------|---|------------------|-----------|
| Қатор: 1-16 | | | | |
| Киритилган ўзгарувчилар: 16 | | | | |
| Ўзгарувчи | Модел коэффициентлари | Стандарт хатолар | t-Стюдент мезони | P-қиймати |
| X ₁ | -3,039 | 8,774 | -0,346 | 0,0234 |
| X ₂ | -1,983 | 3,168 | -0,626 | 0,0454 |
| X ₃ | -0,128 | 2,545 | -0,250 | 0,0096 |
| X ₄ | 0,425 | 0,158 | 2,694 | 0,0209 |
| C | 1495,981 | 1654,219 | 1,904 | 0,0385 |
| R-детерминация коэффициенти | 0,8414 | Боғлиқ ўзгарувчининг ўртача қиймати | | 405,8875 |
| Текисланган R-детерминация коэффициенти | 0.8112 | Боғлиқ ўзгарувчининг стандарт четланиши | | 1,012978 |
| Максимал ўхшашлик функциясининг қиймати | -14,5828 | Ҳаннан-Куинн критер. | | 18,210 |
| Ф-фишер мезони | 194,372 | DW-Дарбин-Уотсон мезони | | 1,4672 |
| Проб (Ф-фишер мезони) | 0,001731 | | | |

3-жадвал натижаларига асосланиб эконометрик моделни умумий кўриниши куйидагича ифодаладик:

$$Y = \frac{1495,981}{1,904} - \frac{3,039}{-0,346} * X_1 - \frac{1,983}{-0,626} * X_2 - \frac{0,128}{-0,250} * X_3 + \frac{0,425}{2,694} * X_4 \quad (1)$$

Ҳосил қилинган эконометрик моделни иқтисодий таҳлил қилишимиз учун чизиқли регрессия тенгласини ҳар бир параметрларини эластиклик коэффициенти аниқланди. (4-жадвал)

4-жадвал

Қашқадарё вилояти 2023 йилда туманлар кесимида камбағал оилалар қисқартиришга таъсир этувчи омиллар асосида қурилган эконометрик модел параметрларининг эластиклик коэффициенти¹⁴⁸

| Қатор: 1-16 | | | |
|-----------------------------|-----------------------|---------------------------------|-------------------------|
| Киритилган ўзгарувчилар: 16 | | | |
| Ўзгарувчи | Модел коэффициентлари | Стандартлаштирилган коэффициент | Эластиклик коэффициенти |
| X ₁ | -3,039 | -0,156 | -0,208 |
| X ₂ | -1,983 | -0,379 | -0,415 |
| X ₃ | -0,128 | -0,033 | -0,030 |
| X ₄ | 0,425 | 0,884 | 1,285 |
| C | 1495,981 | НА | 0,369 |

Қурилган эконометрик модел натижалари шуни кўрсатмоқдаки, агар Қашқадарё вилояти туман маҳаллаларида бириктирилган ҳоким ёрдамчилари томонидан амалга

¹⁴⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹⁴⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

оширилаётган микролойиҳалар сони 1 фоизга оширсак, камбағал оилалар рўйхатида турган оилалар сони 0,208 фоизга камайиши, агар маҳаллаларда ташкил этилган янги тадбиркорлик субъектлари сонини 1 фоизга оширсак, камбағал оилалар рўйхатида турган оилалар сони 0,415 фоизга камайиши, ҳамда туман маҳаллаларида бириктирилган ҳоким ёрдамчилари томонидан амалга оширилаётган микролойиҳалар ҳисобидан яратилган жами янги ўринлари сонини 1 фоизга оширсак, камбағал оилалар рўйхатида турган оилалар сони 0,033 фоизга камайишини аниқладик.

Хулоса ва таклифлар.

Олиб борилган ўрганишлар ва тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаги, берилаётган имтиёзлар ва аҳолини кам таъминланган қисмига берилаётган моддий ёрдамлар уларни боқимандаликка олиб келиш ҳолатлари кузатилмоқда. Косон ва Кўкдала туманларидаги айрим маҳаллалар ўрганилганда ўзида барча имкониятлар бўла туриб (ер, ичимлик ва оқова сув, ишчи кучи) кўп меҳнат талаб қилмайдиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини (*кўкат, сабзавот ва поллиз маҳсулотлари, шунингдек, чорва озиқа маҳсулотлари беда, макка ва бошқ.*) бозордан олиб келиб истеъмол қилиш ҳолатлари кузатилди.

Камбағаллик даражаси белгиланган нормадаги маҳсулотларни истеъмол қилиш ва зарурий хизматлардан фойдаланиш имкониятини чекланганлиги билан ифодаланади. Аҳолини камбағаллик ботқоғига ботиб қолишига келтириб ўтилган айрим омиллар таъсир этади деган хулоса беришимиз мумкин. Булар қўйидагилар:

- аҳолига берилаётган имтиёзларнинг аксарият қисми мақсадсиз фойдаланилмоқда. Субсидия асосида берилган асбоб-ускуналарни ишлатишга салоҳияти етишмайди, ҳунари йўқ. Қишлоқда ҳар бир хонадонларда камида 15-20 сотих томорқалардан фойдаланиш даражаси паст;

- белгилаб берилган режаларни бажариш мақсадида, тадбиркорликка нотўғри ёндошув натижасида очилган субъектлар ҳисобиган паст рентабелли, самарасиз, фаолият юритмаётган, “ноль” оборотга эга субъектлар кўпайиб кетмоқда;

- давлат бюджети ресурслари ҳисобига берилаётган имтиёзли кредитларлар мақсадсиз фойдаланиб, асосан нақдлаштириб, тўй қилиш, машина олиш ва бошқа шахсий эҳтиёжлари учун ишлатмоқда. Бозорни ўрганмасдан ишлаб чиқаришни йўлга қўйган тадбиркорларнинг асосий қисми маҳсулот бозорини тополмай, рақобатга дош беролмай, синиб кетмоқда;

Ушбу мауммоларни бартараф этиш ва аҳолини иқтисодий барқарорлигини ошириш мақсадида қўйидаги таклифларни бермоқчимиз:

- аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича ҳудуд менталитетидан келиб чиқиб, самарали усулларни қўллаш ва кўпроқ касб-ҳунарга ўқитиш, уларда тадбиркорликка кўникмаларни ҳосил қилиш. Шунингдек, берилаётган имтиёзлардан тўғри фойдаланиш бўйича назоратни кучайтириш;

- аҳолини камбағалликдан чиқариш ва тадбиркорликни ривожлантиришга масъул бўлган мутасаддилар томонидан йўл қўйилган коррупция ҳолатлари юзасидан жазо чораларини кучайтириш;

- ўз-ўзини банд қилиб бир неча йиллар пул топишга, тадбиркорлик қилишга кўникма ҳосил қилган фуқароларимиз учун “Бизнесга биринчи қадам” лойиҳаси асосида табақалаштирилган имтиёзли кредитлар ажратиш;

- тадбиркорликни ривожлантириш учун аввало инфратузилмани (йўл, сув, электр-энергияси, газ, канализация ва бошқ.) яхшилаш. Аҳоли томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш ва сотиб олиш бўйича кооперациялар фаолиятини жадаллаштириш ва янги бозорларни топиш. Тадбиркорликни янги бошлаётган фуқаролар учун кредит олиб фаолиятини йўлга қўйиш қанча қийин бўлади.

Шунинг учун айрим тоифаланган фаолият турларига давлат ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ссудалар ажратиш ва бошқалар.

Адабиётлар / Литература/ Reference:

Mukhitdinov K. S., Rakhimov A. N. *The forecast for the development of the public services sector. Scopus //Solid State Technology. -2020. – Т. 63. – №.6. – S. 9.*

Rakhimov A., Ravshanova M., Alieva M. *Econometric analysis of increasing efficiency of industrial enterprises //E3S Web of Conferences. – 2023. – Т. 458. – S. 04004.*

Қарор (2021) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 декабрдаги “Қашқадарё вилоятини 2024-2025 йилларда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-389-сонли қарори.

Лавлок К. (2005) *Маркетинг услуг: персонал, технологии, стратегии. –М., СПб, Киев: Вильямс, - 997 с.*

Махмудов Н. (2010) *Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигини оширишнинг ижтимоий-иқтисодий модели.//Иқтисодиёт ва таълим. №1. – 21-б.*

Рахимов А.Н. (2020) “Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишини эконометрик моделлаштириш” (Қашқадарё вилояти мисолида). и.ф.ф.д. илмий даражасини олиш учун диссертатсия иши. – Т., -156 б.

Фармон, (2023) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 июндаги “Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-93-сонли қарори.

Фляйшер К., Бенсуссан Б. (2005) *Стратегический и конкурентный анализ, Методы и средства конкурентного анализа в бизнесе– М.: БИНОМ, – 541 с.*

Ҳасанов И., Эминов А. (2001) *Оила даромадини кўпайтириш қай даражада ташкил этилаяпти. //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. №7- 8. Б. 41–42.*